УЎТ 631.4 631.6

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҚОРАКЎЛ ТУМАНИ Й.ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ МАССИВ СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ-АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАРИДАГИ ТУЗЛАР МИҚДОРИ ВА ЗАХИРАЛАРИ

Бурханова Нигора Хамид қизи,
2-босқич таянч докторанти,
e-mail: nigoraburxanova8992@gmail.com

Ахмедов Алмон Усмонович,
қ.х.ф.н., катта илмий ходим,
e-mail: almon@mail.ru

Турдалиев Жамолбек Мўминалиевич,
бўлими мудири, б.ф.ф.д., катта илмий ходим,
e-mail: jamolbek1986@mail.ru

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация. Ушбу мақолада Бухоро вилояти Қоракўл тумани Й.Охунбобоев номли массив суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларидаги сувда осон эрувчи тузлар миқдори, шўрланиш типи ва даражаси, тузларнинг тупроқ кесмалари ва массивлар (хўжаликлар) бўйича умумий захиралари, тебраниш оралиғи ва ўртача арифметик миқдорлари маълумотлари келтирилган.

Калит сўзлар: суғориладиган тупроқлар, туз тўпланиши ва иккиламчи шўрланиш, тузлар миқдори ва захиралари, шўрланиш даражаси ва типлари хлорид-сулфатли, сулфатли шўрланиш.

Аннотация. В данной статье приведены сведения о содержании и запасов солей, степень и типы засоления, общие запасы солей и предел их колебания по почвенным разрезам и массивам в целом в лугово пустынных аллювиальных почвах Каракульского района Бухарской области.

Ключевые слова: орошаемые почвы, соленакопление и вторичное засоление, содержание и запасы солей, степень и тип, хлоридно-сульфатное и сульфатное засоления, водная вытяжка, генетические и пахотные горизонты.

Annotation. This article provides information on the content and reserves of salts, the degree and types of salinization, the total reserves of salts and the limit of their fluctuations across soil sections and lands in general in the meadow desert alluvial soils of the Karakul district of the Bukhara region.

Key words: irrigated soils, salt accumulation and secondary salinization, salt content and reserves, degree and type, chloride-sulfate and sulfate salinization, water extract, genetic and arable horizons.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида «...шаклланган деҳқончилик кўникмалари, тупроқ-иқлим шароитлари, сув таъминотидан келиб чиқиб, республиканинг барча туманлари ҳудудлари муайян турдаги маҳсулотлар етиштиришга босқичма-босқич ихтисослаштирилиши, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда асосий эътибор унинг ҳосилдорлиги, экспортбоплиги, яхлит майдонларда етиштирилишига қаратилиши» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чора-

тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади [1].

Шўрланган тупроқлар Қозоғистон, Ғарбий Сибир, Ўрта Осиё республикалари, Қуйи Волга бўйи, Жанубий Украина, Азарбойжон ва Шимолий-шарқий Кавказолди ҳудудларида, Ўзбекистон ҳудудининг Сирдарё, Жиззах, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, Қарши чўли, Сурхон-Шеробод дашти, Марказий Фарғона ва бошқа жойларда кенг тарқалган [2].

Тупроқ шўрланишининг қўшни мамлакатлар ва республикамиз халқ хўжалигига етказаётган зарари ниҳоятда катта бўлиб, ундан нафақат қишлоқ хўжалиги, балки қадимий тарихий ёдгорликлар, қолдиқ қалъалар, баланд қаватли иморатлар, юқори кучланишдаги электр симлари, симёғочлар фундаментлари, чорва яйловлари ҳамда инсонлар ва ҳайвонот олами ҳам катта зарар кўрмоқда.

Тадқиқот объекти сифатида Бухоро вилояти Қоракўл тумани Й.Охунбобоев номли массив суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларида олиб борилган.

Тадқиқот натижалари.

Суғориладиган ерларда нотўғри суғориш натижасида минераллашган грунт сувлари сатҳининг ер юзасига кўтарила боргани сари, капиллярлар орқали нам кўтарилиши таъсирида иккиламчи шўрланиш содир бўла бошлайди. Нотўғри суғориш натижасида нафақат шўрланиш балки озиқа элементлар билан бирга тупроқ типи ва типчаларининг морфогенетик тузилиши ҳам бир мунча ўзгаради [3].

Тумандаги Й.Охунбобоев номли массив тупроқларидаги тузлар миқдори қуруқ қолдиқ бўйича 0,435-0,504% дан 1,036-1,156% гача миқдорларда кузатилади. Шундан тупроқнинг устки ҳайдалма қатламида 0,504-0,667% ни, хлор иони 0,037-0,080% ни ташкил этади. Шўрланиш химизмига кўра массив тупроқлари хлорид-сулфатли ва сулфатли шўрланиш типларидан, шўрланиш даражасига кўра эса асосан ўртача ва кучсиз шўрланган айирмалардан иборат (1-жадвал).

1-жадвал.

Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларидаги сувда осон эрувчи тузлар миқдори, шўрланиш типи ва даражаси

Кесма №	Чуқурлик, см	Қуруқ қолдиқ	HCO_3	Cl	SO_4	Ca	Mg	Na	Шўрланиш	
		%%							типи	даражаси
1	0-30	0,555	0,041	0,075	0,254	0,056	0,032	0,061	Х-С	Ўртача
	30-56	0,528	0,041	0,070	0,236	0,042	0,020	0,094	Х-С	Ўртача
	56-80	0,667	0,032	0,035	0,350	0,080	0,009	0,093	С	Кучсиз
	80-132	0,676	0,030	0,036	0,366	0,120	0,018	0,038	С	Кучсиз
	132-183	0,676	0,031	0,030	0,369	0,087	0,019	0,072	С	Кучсиз
3	0-30	0,532	0,055	0,041	0,255	0,043	0,040	0,044	Х-С	Ўртача
	30-70	0,698	0,051	0,055	0,355	0,045	0,057	0,065	Х-С	Ўртача
	70-90	0,631	0,043	0,050	0,325	0,050	0,051	0,050	Х-С	Ўртача
	90-120	0,792	0,052	0,058	0,415	0,060	0,067	0,060	С	Кучсиз
	120-170	0,819	0,043	0,070	0,425	0,070	0,062	0,067	Х-С	Ўртача

ISSN 2181-0826 3/2024 y.

Кесма №	Чуқурлик, см	Қуруқ қолдиқ	HCO_3	Cl	SO_4	Ca	Mg	Na	Шўрланиш	
		%%							типи	даражаси
5	0-30	0,504	0,055	0,037	0,245	0,040	0,041	0,039	Х-С	Ўртача
	30-60	0,517	0,053	0,035	0,255	0,037	0,041	0,045	С	Кучсиз
	60-80	0,816	0,042	0,070	0,423	0,068	0,061	0,070	Х-С	Ўртача
	80-130	0,435	0,052	0,031	0,203	0,031	0,030	0,045	Х-С	Ўртача
	130-170	0,520	0,053	0,040	0,251	0,042	0,040	0,042	Х-С	Ўртача
8	0-30	0,667	0,023	0,080	0,330	0,117	0,038	0,012	Х-С	Ўртача
	30-63	1,156	0,032	0,059	0,655	0,212	0,043	0,039	С	Ўртача
	63-100	1,036	0,032	0,061	0,563	0,156	0,025	0,095	С	Ўртача
	100-140	0,628	0,030	0,055	0,321	0,115	0,027	0,018	Х-С	Ўртача
	140-175	0,771	0,061	0,062	0,364	0,130	0,012	0,066	Х-С	Ўртача

Ҳудуд тупроқларининг генетик горизонтлари ва устки илдиз қатламидаги (0-100 см) тузлар захираси шу қатламлардаги туз-лар миқдорига (%) мувофиқ равишда ўз ифодасини топган бўлиб, 1-жадвалда келтирилган 4 та тупроқ кесмалари доирасидаги умумий тузлар захираси устки 0-1 метрлик қатламда гектарида 77,91-135,1 тоннани, шундан устки ҳайдалма қатламларда (0-30 см) мос равишда 21,17-28,01 тоннани ташкил этади (2-жадвал).


2-жадвал

Тузларнинг тупроқ кесмалари ва массивлар (хўжаликлар) бўйича умумий захиралари, тебраниш оралиғи ва ўртача арифметик миқдорлари, т/га (0-100 см)

Кесма №	Чуқурлик, см	Тузлар захираси, т/га	Тебраниш оралиғи	Ўртача арифметик миқдори
1	0-30	23,31		20,96
	30-56	19,22	18,93-	
	56-80	22,41	23,31	
	80-100	18,93		
	0-100	**83,87**		
3	0-30	23,34		22,79
	30-70	39,08	11,08-	
	70-90	17,67	39,08	
	90-100	11,08		
	0-100	**91,18**		
5	0-30	21,17		19,47
	30-60	21,71	12,18-	
	60-80	22,85	22,85	
	80-100	12,18		
	0-100	**77,91**		
8	0-30	28,01		33,77
	30-63	53,41	28,01-	
	63-100	53,66	53,66	
	0-100	**135,1**		

Тавсифланаётган массивнинг суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг устки 0-1 метрлик қатламидаги умумий тузлар захирасининг ўртача арифметик миқдорлари 2-жадвал ва 1-расмда келтирилган.

Й.Охунбобоев номли массив ўтлоқи-аллювиал тупроқларидаги умумий тузлар захираси 77,91-135,1 т/га оралиғида тебраниб, умумий кесмалар бўйича ўртача 97,01 тонна кўрсаткичларида кузатилади (1-расм).



1-расм. Тупроқларнинг устки 0-1 метрлик қатламидаги умумий тузлар захираси ва кесмалар бўйича ўртача арифметик миқдорлари, т/га.

Хулоса

1. Тадқиқот ҳудуди тупроқлари асосан хлорид-сулфатли ва сулфатли шўрланиш типларидан иборат, шўрланиш даражасига кўра асосан ўртача ва кучсиз шўрланган тупроқлар гуруҳини ташкил этади.

2. Мазкур объект тупроқларига турли агротехник ва агромелиоратив, жумладан ер ости сувлари сатҳини пасайтириш ва ерларни қуритиш, шунингдек шўрланиш ва эрозия жараёнларини олдини олишга қаратилган тадбирларни жорий қилиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги» ги Фармони.

2. Ш.Холиқулов, П.Узоқов, И.Бобохўжаев «Тупроқшунослик» дарслик. – Тошкент, 2013 й. – Б. – 351-356

3. Артикова Х.Т. «Бухоро воҳаси тупроқлари ва уларнинг суғориш таъсирида ўзгариши» диссертация автореферати. 2005 й. 6 б.

ISSN 2181-0826 3/2024 y.